



# Waziyat

2024 йил  
4 январь  
№ 1 (942)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

## ЯНГИ БИНО ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Жиззах вилояти Зомин тумани Фавқулдда вазиятлар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида Фавқулдда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев, вазир ўринбосари полковник Х.Алибаев, сектор раҳбарлари, фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ушбу бино шахсий таркиб иш самарадорлигини оширишга қаратилган барча зарур шароитлар, замонавий автотехникалар, асбоб-анжомлар ва энг янги жиҳозлар билан таъминланган.

Шунингдек, қутқарувчилар жисмонан бақувват ва соғлом бўлишлари, касб маҳоратларини, маънавий билимларини янада ошириб боришлари учун спорт майдончаси, маънавият ва маърифат хонаси, синф хона, ошхона, ётоқхона ҳамда ювиниш хонаси мужассам.

Амалга оширилаётган ишлар негизида аҳолига ўз вақтида сифатли хизмат қилиш ва албатта, уларни рози қилиш асосий мақсад этиб белгиланган.

ФВВ Ахборот хизмати.



## ТАНТАНАЛИ КУЗАТУВ

ФВВ фахрийлари полковниклар Абдуазим Аҳмадходжаев, Файзулла Номозовлар тантанали равишда нафақага кузатилди

Полковник Абдуазим Аҳмадходжаев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Фавқулдда вазиятлар вазирликлари тизимида қарийиб 30 йилдан ортиқ хизмат қилиб, оддий аскарликдан полковник даражасига эришган, хизмат йўлида турли масъул лавозимларда фаолият юритиб, шахсий таркибнинг маънавий-маърифий билим савиясини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, малакали кадрларни шакллантириш ҳамда маданий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш йўналишида узоқ йиллар хизмат қилиб, юзлаб шогирдлар тайёрлаган, тизимда маънавий соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган офицерлардан бири бўлган.

Полковник Файзулла Номозов эса Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги тизимида қарийиб чорак асрдан ортиқ хизмат қилиб, оддий аскарликдан полковник даражасига эришган, хизмат йўлида турли масъул лавозимларда

фаолият юритиб, шахсий таркиб учун қулай хизмат шарт-шароитларини яратиш, ҳарбий оилалар учун уй-жойларни бунёд этишдек масъулиятли масъулиятли вазифани узоқ йиллар давомида самарали бошқарган, юзлаб шогирдлар тайёрлаган, қурилиш соҳасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган муҳандис-қурувчи офицер сифатида яхши биламиз.

Тадбирда вазир ўринбосарлари полковник Хуршид Алибаев ва полковник Шуҳрат Жўраевлар иштирок этиб, фахрийларимиз ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар, уларнинг хизмат фаолиятини ёшларга ибрат қилиб кўрсатдилар.

Фахрийларимиз сўзга чиқиб, вазирлик раҳбарияти ва шахсий таркибга миннатдорчилик билдирдилар ҳамда келажак авлодга ўзларининг панд-насихатларини билдирдилар.

ФВВ ахборот хизмати

## БРИФИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ФВВ Фавқулдда вазиятлар муаммолари ва ёнгин хавфсизлиги илмий тадқиқот институти бошлиғи, полковник Собир Жўраев иштирокида брифинг ўтказилди.

Таъкидланишича, ташкилот, одамлар оммавий йиғиладиган ва байрам тадбирлари ўтказиладиган объектларда Давлат ёнгин назорати органлари томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар натижаси юзасидан тақдим этилган тавсиянома ёки ёзма кўрсатмалардаги ёнгинга қарши тадбирларни ўз вақтида бажариш чораларини кўриш лозим. Объектларда тунда навбатчиликда қоладиган ходимлар билан ёнгинга қарши йўриқномаларни ўтказиш, асбоб-ускуналарни шай ҳолатга келтириш шарт. Газ жиҳозлари, айниқса, иситиш печлари ва уларнинг дудбуронлари ҳамда шамоллатиш каналлари мутахассислар томонидан кўриқдан ўтказилганидан сўнг фойдаланиш, ҳамда мустақил равишда дудбуронларни зичлигини ва ҳаво тортишини текшириб туриш керак.

Шунингдек, ис газидан заҳарланиш ва газ-ҳаво аралашмасининг чақнашини олдини олиш мақсадида вақти-вақти билан деразаларни очиб, хонадаги ҳавони алмаштириб туриш, ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик ҳамда хоналарни иситиш ва кийимларни қуришти учун газ плиталардан фойдаланмаслик, иситиш печлар ҳаддан зиёд қизиқ кетмаслиги учун, ҳар 2 соатдан кейин ўчириб совутиш, ёнғунчан материаллардан печларни 50 см. узоқликда жойлаштириш, хонада табиий газ ҳиди сезилганда, электр ёритиш чироқларини ёқмасдан, хонани тезда шамоллатиш чораларини кўриш ва зудлик билан "104" телефон рақами орқали авария хизматиға хабар бериш лозим.

ФВВ ахборот хизмати

“Қамчиқ” доводнида “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси томонидан бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

## ПРОФИЛАКТИКА

Хусусан, бошқарма бошлиғи полковник Ҳ.Бобонов раҳбарлигида 6 та ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, биринчи ишчи гуруҳ томонидан довод худудида жойлашган 21 та иқтимоий соҳа объекти, иккинчи ишчи гуруҳ томонидан 76 та трансформатор ва 4 та подстанция, учинчи ишчи гуруҳ томонидан 131 та мавсумий дам олиш маскани, 108 та вагон-контейнер типдаги вақтинчалик яшаш жойи, 39 та енгил конструкцияли, якка тартибдаги кичик савдо дўконлари, тўртинчи ишчи гуруҳ “Чинор”, “Четсув”, “Кўксарой” МФЙ ҳудудларидаги 161 та аҳоли яшаш хонадони, бешинчи ишчи гуруҳ томонидан “Қўшминор” МФЙда 169 та аҳоли яшаш хонадони ҳамда олтинчи ишчи гуруҳ томонидан 29 та умумий овқатланиш жойида 707 та объект ўрганилиб, 2960 нафар фуқаро билан профилактик суҳбатлар ташкил қилинди ва 981 та эслатма тарқатилди.

Ш.АБДУЛЛАЕВ,

“Қамчиқ” МҚЁҚБ бошлиғи ўринбосари –  
ФВПБ бошлиғи, подполковник.



Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ишчи гуруҳи раҳбари полковник Х.Сотиев бошчилигида Хоразм вилояти ФВБ раҳбарияти ҳамда тегишли ташкилотлар мутахассислари томонидан вилоятнинг барча шаҳар, туманларида иситиш мавсумида ис газидан заҳарланиш, ёнғин, газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши ва бошқа турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида, кучайтирилган тартибда кенг қамровли профилактик тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

## ТАДБИРЛАР

Хусусан, аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектларининг иситилиш тизимлари кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан мутасаддиларга зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди. Шунингдек, Янги йил байрам тадбирларини беталафот ўтказиш мақсадида байрам арчаларининг техник мустаҳкамлиги, ёнғин хавфсизлиги ҳолати шунингдек, куну тун навбатчилиги ташкил этилган ёнғин-қутқарув экипажларининг шайлиги ҳам ўрганилди.

ФВВ ахборот хизмати.

## НОСОЗЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Ўтган йилнинг 21 декабрь куни “Қамчиқ” доводининг А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлини 233 км “Шимолий” айланма йўлига кириш йўналишидаги тоғ қияликларидан ўтган “Янги Ангрен” иссиқлик электр станцияси билан “Ўзбекистон” подстанциясини боғловчи 500 кВ кучланишли Л-524 ҳаво тармоғи фавқуллода ўчиб қолган эди.

Мазкур ҳолатни текшириш ҳамда кўриқдан ўтказиш ишлари жараёнида эксплуатацияда фойдаланилмаётган бўш турган металл таянчнинг торти тросслари номаълум шахслар томонидан кесиб кетилиши оқибатида ағдарилиб, Л-524 ҳаво тармоғининг 167 – 168-сонли таянчлари оралиғидаги “А” фазаси симини узганлиги маълум бўлган. Бунинг натижасида водийнинг барча вилоятлари, Наманган, Фарғона ва Андижоннинг электр таъминотида қисқа муддатли узилишлар кузатилган.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси раҳбарлигида юзага келган техник авария оқибатларини бартараф этишда “Қамчиқ” МҚЁҚБ билан ҳамкорликда кечиктириб бўлмайдиган ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилди. “Шимолий” айланма автомобиль йўлининг 5-км. да ишчи-ходимлар учун чодирли исиниш пункти ташкил этилди ва у ерда барча зарурий шарт-шароитлар яратилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу тармоқ транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ниҳоятда қийин бўлган тоғ қияликларидан ўтган. Мавжуд носозликни бартараф этиш ишларини хавфсиз ва сифатли амалга ошириш мақсадида, воқеа жойига зудлик билан 15 нафар кутқарувчи, 3 та авария-қутқарув машиналари, 2 та агрегат жалб

қилинди. Қутқарувчиларимиз тоғ қияликларини забт этиб, 7-км.ли йўллар орқали юқори кучланишли ҳаво тармоғида авария-тиклаш ишлари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, асбоб-анжомлар, захира материалларини олиб чиқиш ҳамда ишчи-ходимларга озиқ-овқатларни етказиб берилишида амалий ёрдам кўрсатишди.

Авария-тиклаш ишларига жалб этилган муҳандис-техник ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, уларга руҳий далда бериш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун фельдшер-қутқарувчиларнинг туну кун навбатчилиги ташкил этилди. Мана шу каби қанчадан-қанча машаққатларга, хавф-хатар, талафотларга юзма-юз келадиган қутқарувчи-халоскорларимизнинг шарафли ва машаққатли хизмат вазифаларини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон миллий электр тармоқлари АЖ раҳбарияти Фавқуллода вазиятлар вазири номига миннатдорчилик мактубини юборди.

Ўзларининг хизмат вазифаларини мана шундай олийжаноблик ва эзгу ният билан бажараётган қаҳрамонларимизга бугунгидек бардамлик, куч-қувват, оилавий хотиржамлик ҳаммиша ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,  
“Vaziyat” мухбири.

## АМАЛИЙ ЧОРАЛАР

Жиззах шаҳри ҳудудидаги 58 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари ва 19 та маҳалладаги аҳоли яшаш хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, 102 та кўп қаватли уйлар текширувдан ўтказилди. Мавжуд 285 та чордоқ ҳамда 274 та ертўлаларнинг хавфсизлиги таъминланди. Шунингдек, маҳаллалардаги аҳоли турар жойларида олиб борилган профилактик тадбирлар давомида ёнғинлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, 368 та аҳоли турар жойида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўрганиш ва текширувлар давомида 185 та камчилик аниқланиб, шундан 172 таси бартараф этилди.

## “МЧЖ”ДАГИ ҚИНФИРЛИКЛАР

“МЧЖ” раҳбари Т.Ж. га оид жиноят иши кўриб чиқилди. У мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, назорат қилинмайдиган даромад топиш мақсадида бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктирган. “МЧЖ” раҳбари ўзининг ихтиёрида бўлган ҳужжатлар ва муҳрдан фойдаланиб, салқин ичимлик ниқоби остида жамият ҳисоб-рақамига келиб тушган 200.000.000 сўмни банкка топширмасдан нақдлаштирган. У билан чекланмай қатор “МЧЖ” раҳбарлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳужжатларни қалбақлаштирган. Шартномага асосан олинган маҳсулотларни нақд пулга сотган. У 1.859.000.000 сўм маблағни “МЧЖ”

ҳисоб рақамига тушириб, савдо қондаларини жуда кўп миқдорда бузган. Нафсига эрк берган Т.Ж. сохта ҳужжатлар тузиб, қатор “операция”лар ўтказган. Думалоқ муҳрига ўзгартириш йўли билан пулларни нақдлаштираверган.

Бундан ташқари, Т.Ж. ўзига ишонган шеригига ҳам панд берган. Аниқроғи, жамият раҳбари бўлган Х.С. унга ишониб “МЧЖ”га тегишли мол-мулкни топширади. Бундан фойдаланган Т.Ж. мулкдорга тегишли “МЧЖ”га шартнома асосида қабул қилинган қайта ишланган металл маҳсулотларининг 27 миллиард сўмдан зиёдини кирим қилмасдан сотиб юборган. Натижада ўзганинг жуда кўп миқдор

даги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. У даромадларни камайтириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Текширишда аниқлик киритилганида “МЧЖ” раҳбари оз эмас, кўп эмас 261 миллион сўмликдан зиёд солиқ тўлашни “унутган”.

Ҳеч ким билмайди, дея қатор жиноятларни содир этган “МЧЖ” раҳбари қаттиқ адашди. Суднинг ҳукми билан у маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Яккасарой туман  
суди раиси.

ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан Тошкент молия ҳамда Тошкент фармацевтика институтида профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирокида “Ис газидан сақланиш ва ёнғинларнинг олдини олиш, содир бўлганда бирламчи ўт ўчириш воситаларидан тўғри фойдаланиш” мавзусида машғулот ўтказилди.



## ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА

Тадбир давомида табиий ва ис газларидан заҳарланиш, ёнғин, газ чақнаши билан боғлиқ фавқуллода вазиятларнинг юзага келиши, ёниш-портлаш ҳодисалари, уларнинг оқибатлари, бу каби ҳодисалар юзага келишининг олдини олишда амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусида маълумотлар берилди.

Х.АЗИМОВ,  
ФВВ ФМИ катта ўқитувчиси.



Аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўз ечимини топмаётган муаммолар бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда тегишли идораларга 12 маротаба ахборотнома, маълумотнома ва тақдимномалар киритилди.

Ҳозирда бу каби тадбирлар давом эттирилмоқда.

Темур АНОРБОЕВ,  
Жиззах шаҳар ФВ бўлими ходими,  
катта лейтенант.

## Маърифат соати

**ДУНЁНИНГ СИЁСИЙ-МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ —  
ВАТАНПАРВАРЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ**

Минг афсуски, бугунги кунда дунё ҳамжамияти уруш, қуролланиш ҳамда қуролсизланиш, қашшоқлик, эпидемия ва экологик муаммолар билан юзма-юз бўлмоқда. Ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олиб, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли бўлиб бормоқда. Қолаверса, геосиёсат айрим мамлакатларнинг мафкурасига айланаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунга келиб дунёнинг мафкуравий манзараси жуда мураккаблашиб кетди. Унда кучли таъсирга эга бўлишнинг энг мақбул йўли, ҳар қанча маблағ талаб этилишидан қатъи назар, йирик ахборот тарқатувчи мавқеини эгаллаш бўлаётгани аён бўлмоқда. Дунёда “ахборот уруши” кетаётганини ҳар бир инсон пайқамоқда.

Ғарбда “ахборотнинг эркин оқими” дейилганида чексиз миқдордаги ахборотни бир тарафлама узатиш, бунда ахборот мазмунининг ҳеч қандай меъёрлар билан чекланмаслиги ҳамда мазкур ахборот у етказиб берилаётган ҳудуддаги давлат томонидан назорат қилинмаслиги тушунилади. Айни мана шу тушунча ёшларимизни чалғитиш, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказиш мақсадида фойдаланилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Психологларнинг фикрига кўра, аҳолининг фақат 15-25 фоизи ахборотни танқидий нуқтаи назардан ўзлаштиришга қодир, қолган 75 фоиз одамлар эса олинган ахборотнинг таъсирига шундайлигича берилиб кетади. Постиндустриал инқилоб, ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари, таассуфки, фақат моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган, миллий қиёфасини қарийб йўқотган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай ғояни қўллашга тайёр тоифаларни ҳам вужудга келтирди. Жаҳондаги ҳар бир мафкура ёки ғоявий оқим инсоннинг қалби ва онгини ўз мақсадларига бўйсундиришга ҳаракат қилади.

Муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши, шунингдек, тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, терроризм, ирқчилик, экстремизм инсоннинг қалби ва онгини бузишга,

чалғитишга қаратилган зарарли мафкуралар кучайиб бормоқда. Эътиқод умумийлигига асосланиш, этник бирликка урғу бериш ва ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқлик асосида яқка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш ва шу йўл билан жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Глобаллашув шароитида бу жараёнлар янги тус ва шаклларда намоён бўлиб, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролга айланиб бормоқда. Албатта, глобаллашув бутун дунёда рўй бераётган, ортга қайтмайдиган жараён. Лекин қайсидир давлат ёки давлатлар, қайсидир халқ ёки халқлар глобаллашувни ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўзгаларга тиқиштириши кишилик жамиятига тўғри келмайдиган ҳолат ҳисобланади. У ҳолда бу жараён бир томондан фойда қилса, иккинчи тарафдан жиддий зарар келтириши, асрий қадриятларга шикаст етказиши, халқ ўз илдизидан айрилган “омма”га, миллат ўз қиёфасини йўқотган “манкурт”га айланиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Жаҳондаги ўзаро келишмовчилик ва можаролар домида қолган айрим мамлакатлардаги ачинарли аҳволни кўз олдимишга келтирадиган бўлсак, четдан мафкуравий тазийқ ўтказишлар қандай нохуш оқибатларга олиб келишини янада яққол тасаввур этишимиз мумкин.

Дунёнинг сиёсий-мафкуравий манзараси мана шундай ҳолатда бўлган бир пайтда давлатимизда юритилаётган тинчлик сиёсати бизни хотиржам қилмоқда. Лекин ўзини шу юрт учун масъул ҳисоблайдиган ҳар бир шахс хушёр ва огоҳ бўлиши ва бепарволикка берилмаслиги лозим. Бундай салбий ҳолат мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ғаразли мафкураларнинг таъсир кўрсатиш йўллари қандай шаклда бўлмасин, улар биринчи навбатда нишонга олинган юрт фарзандларини миллий ғурур туйғусидан, Ватанга муҳаббат ҳиссидан жудо қилиб, уларни маънавий жиҳатдан қарам этишга, халқнинг ичида низо кўзгаб, норозилик уйғотишга уринади. Ана шу таҳдидни бартараф этиш учун бор имкониятни ишга солган ҳолда изчил курашмоқ зарур. Бунинг учун эса тафаккуримиз, интеллектуал салоҳиятимиз юксак бўлиши, миллий ва умумбашарий қадриятларни пухта эгаллашимиз, қалбимиз ва онгимиз фақат ўзимизга тегишли бўлиши керак. Ўзгалар қадриятини камситмаган ҳолда ўз қадриятларимизни мустақам туриб ҳимоя қилишимиз, жаҳонга кўрсатишимиз даркор.

Дунёнинг мафкуравий манзараси қанчалик мураккаб бўлмасин, унда бунёдкор ғояларнинг, асрлар давомида инсониятга хос бўлиб келган соғлом ақл-идроқнинг устунлиги яққол кўришиб турибди. Шундай экан, миллат ва давлатнинг энг муҳим ресурсларидан бири инсонларнинг ақлий салоҳияти ва билим даражаси юқори бўлишига эришиш керак бўлади. Ҳақиқий ватанпарварлик миллат, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи, манфати йўлида меҳнат қилиш, курашиш зарурдир. Ватанпарварлик ниҳоятда серқирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истиқболини қанча кўп англашилса, кишиларда ватанпарварлик туйғуси шунча баланд бўлади. Бу жараён чексиздир. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичлари ватанпарварликнинг

янги-янги қирраларини кашф этиб боради. Ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик туйғуси жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Ватанпарвар инсонларни тарбиялашда халқимизнинг тарихий мероси катта аҳамиятга эга. Шу сабабли тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ватандан ҳеч нарса сўрамайдилар, аксинча, мен Ватанга нима бердим дея, ўзларини юрт равнақи учун сафарбар этадилар. Умрининг ҳар бир лаҳзаси муқаддас тупроғимизнинг шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш билан ўтган мингйилликлар қаҳрамони Жалолодин Мангубердиннинг ҳаёти биз учун Ватанни севиш илми, уни қадрламоқ санъати, ҳақиқий фарзандлик мактабидир. Жалолодин Мангуберди ҳалок бўлгач, мазлум халқларни ҳимоя қилишга қодир бошқа мард топилмайди. Султоннинг ишончини сотган ҳукмдорлар ҳам мўғуллар қўлида ҳалок бўлишади. Ачинарлиси, бирор миллат, элу элатдан Жалолодиндек саркарда, Соҳибқирон Амир Темурга қадар етишиб чиқмайди. Шу ўринда буюк ватандошларимиз — Широкнинг ўз юртини ёлвар зулмидан озод этиш учун жон фидо этгани, Тўмарис жасорати, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Нажмиддин Кубро каби даҳоларимиз ватанпарварлиги тўғрисидаги маълумотларнинг аҳамияти ҳам каттадир.

Ватанпарвар инсонларнинг номи халқ ва миллат қалбига абадий яшайди. Ватан ҳаётидаги тушунчани фақат тарихий фактлар билангина эмас, балки мамлакатнинг келажак истиқболи, вазибалари билан ҳам боғлаб шакллантириш аҳамиятлидир. Ватанимиз қудрати қанчалик кучли бўлса она-юртимизда тинчлик, осойишталик, аҳиллик доимий бўлса тараққиёт, эзгуликка интилиш, юксак ғояларни рўёбга чиқариш имконияти шунча кучли бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда оилада мамлакатимиз қудратини янада кучли қилиш учун ҳар бир оила аъзоси у олим бўладими, муҳандис-техник ёки фермер бўладими, талаба ёки ўқувчи бўладими, уларнинг ҳар бири ўз вазибаларини юқори даражада англашлари ва бажаришлари муҳимдир. “Ватанинг тинч — сен тинч”, “Она юртинг — олтинг бешигинг”, “Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас”, “Эл ғамини билган элда дoston”, “Ватан гадоси — кафан гадоси”, “Ватансиз инсон — куйсиз булбул”, “Ўзга юртида шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл” каби мақоллар халқимиз томонидан бежизга айтмаган. Жамият, давлат ҳамда шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг таркибий қисми, мамлакатимиз ҳаётининг барқарорлигини мустақамлаш омили ҳисобланади. Ёшларни турли ёт ғоя ва таҳдидлардан асраш, ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш энг асосий мақсадлардан биридир.

Бу муқаддас тупроқда Ватанимизнинг обрў-эътиборини бутун жаҳонга ёядиган не-не улуг алломалар ҳали туғилади, унади, ўсади. Шунинг учун ҳар оилада оила аъзоларининг ҳар бири биринчи галда ўз оилаларининг тинчлиги ҳамда осойишталигини сақлашлари, шу орқали юртимиз, давлатимиз тинчлиги учун ўз жонини ҳам фидо қилишга тайёр турадиган ёш авлодни шакллантириш бугунги замон учун зарур бўлган омиллардан биридир.

“Vaziyat” muxbiri

Анвар ҚОБИЛОВ тайёрлади.

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК**

Тошкент шаҳридаги халқаро АДЖУ университетиди “Language Learning & Teaching and Instructional Technology” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда халқаро АДЖУ университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети, И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, халқаро университетлар масъул вакиллари, ФВВ Академияси профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимлари, талаба ва курсантлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Анжуман доирасида инглиз тилини билиш, ўрганиш, ўқитиш техникалари ва назарий методологияси, уни амалиётга кенг қўллаш ва татбиқ қилиш тажрибалари ҳақида соҳа вакилларининг, мутахассисларнинг ва тадқиқотчиларнинг маърузалари ва фикрлари тингланди.

Тадбирда ФВВ Академияси “Тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси подполковник Малоҳат Бадалбаева илмий раҳбарлигидаги бир гуруҳ иқтидорли курсантлари ҳам “Усинг Энглиш Лангуаге ин тхе Фиелд оф Эмергенсй Ситуатионс” мавзусида ўз тақдимотли чиқишлари ва маърузалари билан фаол қатнашдилар.



Анжуман давомида ноанъанавий Европа чолғу асбобларидан таралган куй-наволар ва талабаларнинг гўзал корейсча рақслари иштирокчиларга хуш кайфият улашиб, иштирокчилар хотирасида чуқур таассурот қолдирди.

Анжуман якунида ташкилотчилар томонидан тақдир этилган маърузчиларга ва фаол иштирок этган ёшларга ташаккурнома, сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

ФВВ Академияси ахборот хизмати.

## IS GAZIDAN ZAHARLANISH

Yong'in xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan tadbirlarni yanada kuchaytirish maqsadida Yashnobod tumanida barcha turkumdagi obyektlarda, ayniqsa, ko'p kvartirali uylar va yakka tartibdagi uy-joylar, bozor, yirik savdo majmualari va aholi ko'p to'planadigan boshqa obyektlarda keng qamrovli profilaktik-ogohlantiruv tadbirlari amalga oshirilmoqda.

Mahallalarda "xonadonbay" tartibida o'tkazilayotgan profilaktik tadbirlarda aholi o'rtasida yong'inlar, is gazidan zaharlanish yoki havo-gaz aralashmasining chaqnashi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan tushuntirish va targ'ibot ishlari yanada kuchaytirilmoqda.

Chunki is gazidan zaharlanish holatlari fuqarolar tomonidan gaz va muqobil yoqilg'i turlaridan foydalanishda xavfsizlik choralariga rioya etmasligi, nostandart yoki sertifikatga ega bo'lmagan isitish pechlari va anjomlaridan foydalanish, isitish pechlarining dudburonlarini noto'g'ri o'rnatish, gaz yoki boshqa muqobil yoqilg'iga moslashtirilgan isitish pechlarini dam olish xonalariga olib kirish kabi sabablarga ko'ra yuzaga kelmoqda. Is gazi organizmga nafas a'zolari orqali ta'sir etadi. Ushbu gaz gemoglobin bilan kislorodga nisbatan 300 marotaba kuchli birikma – karboksigemoglobin hosil qiladi. Oqibatda gemoglobinning to'qimalarga kislorod tashish xususiyati keskin pasayib, gipoksiyaga, og'ir holatlarda esa – anoksiyaga olib kelishi hamda shu tariqa inson hayotdan ko'z yumishi mumkin.

**Sh. SADENOV,**  
Yashnobod tumani FV bo'limi bo'linma mutaxassisi.

## ANIQ VAZIFALAR

Namangan viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari – Shtab boshlig'i polkovnik Akmaljon O'rinbayev tomonidan tadbirga jalb etilgan daxldor tashkilotlar xodimlariga, davlat yong'in nazorati inspektorlariga hamda qutqaruvchilarga aholi yashash xonadonlari, xalq xo'jaligi maskanlarini o'rganish yoki tekshirish jarayonlarida is gazini oldini olish bo'yicha aniq topshiriqlar berildi.

Tadbir davomida shahar hududida joylashgan Yangi asr mahalla fuqarolar yig'ini hududidagi joylashgan aholi yashahs xonadonlarida o'rganishlar o'tkazilib, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish choralarini ko'rdi va fuqarolarga yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilish yuzasidan qo'shimcha yo'riqnomalar berildi.

**Qahramon SATTAROV,**  
Namangan FVB axborot xizmati boshlig'i



## MAHORAT SINOVI

FVV Akademiyasida IIV Akademiyasi "Kriminalistik ekspertizalar" kafedrasida katta o'qituvchisi podpolkovnik I.Haydarov va "Aholi va hududlarni muhandislik muhofazasi" kafedrasida professor-o'qituvchilari bilan hamkorlikda "Yong'inlar orqali sodir etilgan jinoyat izlarini aniqlashning zamonaviy uslubiyoti", "Yong'in bo'lgan joyni suratga olish" va "Yong'in sodir bo'lgan joydan ashyoviy dalillarni tanlash, olib qo'yish va ekspertizaga yuborish tartibi" mavzularida master-klass mashg'uloti o'tkazildi.

Mashg'ulotda podpolkovnik I.Haydarov kursantlarga foto va video apparaturalarning turlari hamda ularning maqsadi, suratga olish usullari va turlari, barmoq izlarini suratga olishning o'ziga hos jihatlari, foto jadval tayyorlash tartibi haqida tushunchalar berib, yong'in sodir bo'lgan joydan ashyoviy dalillarni tanlash, olib qo'yish va ekspertizaga yuborish tartibi bo'yicha tushunchalar berdi.

Shuningdek, mazkur jarayonda tekshiruvni olib borayotgan mansabdor shaxslar tomonidan

yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar va ularni bartaraf etish usullari to'g'risida ham batafsil ma'lumotlar berdi.

Mashg'ulot davomida "Mobil kriminalistik ekspertizalar laboratoriya avtomobili" ichini ko'zdan kechirish davrida qo'llaniladigan zamonaviy texnik vositalarning taqdimoti o'tkazildi.

Ma'ruzachilar kursantlarning qiziqtirgan savollariga javob berdilar.

**FVV Akademiyasi**  
axborot xizmati.

## O'RGANISH

Olmazor tumani FV bo'limi, mahalla raislari, gaz ta'minoti korxonasi, elektr tarmoqlari korxonasi, "Tohirjon GRPI ta'mir Beznes" MChJ dudburon xizmati hamkorligida aholi yashash joylarida va ijtimoiy-iqtisodiy soha obyektlarida favqulodda vaziyatlarning oldini olish, is gazidan zaharlanish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, botulizm, yong'inlarning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda.



Tadbirlar davomida aholini qiyinab kelayotgan muammolarni bartaraf etish choralarini ko'rdi. Aholiga xavfsizlik qoidalariga rioya etish borasidagi eslatma va yo'riqnomalar tarqatilmogda.

**J.PO'LATOV,**  
Olmazor tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari katta inspektori, podpolkovnik.

## AHOLI XAVFSIZLIGI YO'LIDA



Qashqadaryo viloyatida FVB mas'ullari hamda tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda viloyatning Qarshi shahri, Koson va Kasbi tumanlarida bayram tadbirlari o'tkazilishi rejalashtirilgan hududlarda o'rganish va nazorat tadbirlari tashkil etildi.

Shuningdek, aholi ko'p to'planadigan maskanlarda fuqarolar xavfsizligini ta'minlash, qutqaruvchilarning bilim hamda ko'nikmalarini mustahkamlash, kasbiy mahoratlarini hamda shayligini yanada oshirish maqsadida o'quv-amaliy taktik mashqlari ham o'tkazildi.

**Nodir NURMATOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB markaz dohlig'i, podpolkovnik.

## YANA BIR YANGI BINO



Qashqadaryo viloyati Ko'kdala tumanida tuman FV bo'limi uchun yangi qurib bitkazilgan bino foydalanishga topshirildi.

Tantanali marosimda viloyat hokimi M.Azimov hamda sektor rahbarlari ishtirok etdi. Marosimda bo'lim shaxsiy tarkibiga eng so'nggi zamonaviy rusumdagi yong'in-qutqaruv avtomobili ham topshirildi.

Ushbu binoning ochilishi Yangi yil bayrami oldidan soha xodimlari uchun munosib tuhfa bo'ldi. Yangi qurilgan bino bo'lim va yong'in-qutqaruv qismi qutqaruvchilar uchun zamonaviy qutqaruv asbob-anjomlar, bugungi kun talabiga mos keladigan shinam o'quv xonalari, yotoqxonalar, o'quv minorasi va sport zali kabi zamonaviy xizmat xonalari bilan jihozlangan.

**Qashqadaryo viloyati**  
FVB axborot xizmati.



## AMALIY SEMINAR

Qorao'zak tumanida qish mavsumida yuz berishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning, yong'inlarning va fuqarolarning zaharli gazdan zaharlanishining oldini olish maqsadida, tuman hokimi – Fuqaro muhofazasi boshlig'i rahbarligida FVDT tuman bo'g'ini xizmatlari bilan birgalikda ko'rgazmali amaliy seminar o'tkazildi.

Seminar davomida tegishli soha mutaxassislari tomonidan kuz-qish mavsumi davomida isitish uskunalaridan foydalanish tartiblari va xavfsizlik qoidalariga rioya etish kerakligi bo'yicha tushuntirishlar berildi.

Bugungi kunda tumandagi 3 ta MFY hududida 17 ta ko'p xonadonli va 2 ta ko'p qavatli uy-joylar mavjud bo'lib, ularda 302 ta xonadon istiqomat qiladi. "Qorao'zaktumangaz" GTF va Elektr ta'minlovchi korxonasi xodimlari bilan birgalikda ushbu

xonadonlardagi isitish qozonlari va ularning mo'rilari, gaz plitalalari va elektr tok simlari holatlari o'rganib chiqilmoqda.

"Qorao'zaktumangaz" GTF xodimlari tomonidan xonadonlardagi gaz plitalariga texnik xizmat ko'rsatish, rezina shlanglarni zamonaviy metall shlanglarga almashtirish va Elektr ta'minlovchi korxonasi xodimlari tomonidan elektr tok simlaridagi nasozliklarni bartaraf etish ishlari amalga oshirilmogda.

**D.DAULETBAYEV,**  
Qorao'zak tumani FV bo'limi boshlig'i, mayor.

# ҚУТҚАРУВЧИНИ КИМ ҚУТҚАРАДИ?

Шифокорлик инсон ҳаётига дахлдор, ўта масъулиятли ва машаққатли, энг шарафли касблардандир. Шу боис, бугун халқ саломатлиги йўлида, фидойилик билан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ҳар қанча эъзозга, эътирофга муносиб. Меҳнат фаолиятини беморларга шифо улашишдек хайрли ҳамда савоб билан олиб борадиган ҳарбий шифокорлар ҳам мамлакатимизда талайгина. Ана шундай ҳарбий-тиббий тайёргарлиги юқори бўлган ўз ишини жон дилидан адо этишни ҳам бахт, ҳам шараф деб биладиган, зиммасидаги вазифасини сидқидилдан уддалаб, чуқур билими билан юртимиз равнақиға беқиёс ҳисса қўшиб келаётган маънавий етук инсонлардан бири “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси қутқарув отряди қидирув-қутқарув гуруҳи фелдъшери, “Mehr-saxovat” кўкрак нишони соҳиби, II даражали сержант Дилшод Умурзоқовдир.



Бу йигит ФВВ тизимида тиббиёт хизмати нуфузини ошириш, тиббиёт ходимлари орасида замонавий ҳарбий аъналарни шакллантириш, ҳарбий хизматчи ва ходимлар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, соҳа ходимларининг махсус ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этмоқда. Эл-юрт саломатлиги йўлида бор билим ва тажрибасини амалда қўллаб, ҳар бир ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг имконияти ва руҳиятига қараб, алоҳида ёндашади. Босқичма-босқич даволаш жараёнида беморлар дардини яқиндан тушуна билади. Шифо сўраб, дармон излаб келганлардан ўз маслаҳатини аямайди.

– Ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги ва ҳаёти кўп жиҳатдан фаолиятимизга боғлиқ эканини яхши англаймиз, – дейди Д. Умурзоқов. – Ҳарбий шифокор сифатида ўз ишимизга катта масъулият билан ёндашимиз зарур.

Дилшод Умурзоқов 1987 йил Наманган вилояти Уйчи тумани Ғайрат қишлоғида Мўйдинбой Умурзақов ва Мунаввар ая Умурзақова хонадонидан дунёга келган. 2003 йилда Чортоқ тиббиёт коллежининг Даволаш иши йўналишида таҳсил олишни бошлади. 2007 йилда Поп туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида Ватан олдидаги бурчини бажаришга киришди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ёруғ юз билан, соғ-саломат оиласи бағри қайтган қаҳрамонимиз Уйчи туманидаги ТТЁга ишга қабул қилинди. 2013 йилдан буён “Қамчиқ” қидирув-қутқарув отрядига ишга қабул қилиниб, бугунги кунга қадар ушбу соҳада фелдъшер лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Инсон қайси соҳани танламасин, устозларидан сабоқ олади, билимини мустаҳкамлаб боради, улардан касб сирларини ўрганади. Дилшод ҳам хизмат фаолияти давомида Муҳаммад Холиқов, Аъзам Эргашев, Жавлон Раҳмонов, Назира Худойбердиева каби устоз-

ларидан билмаганини ўрганиб, ўз устида мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунга қадар навбатчилик масканидан 100 дан ортиқ авария ва ёнғинларга чиқиб, инсонлар ҳаётини сақлашга ҳаракат қилиб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатган. 10 дан зиёд қўмондонлик-штаб ўқув машқларида, 30 га яқин махсус-тактик ўқув машқларида иштирок этган.

Қаҳрамонимиз хизмат фаолияти давомида мудҳиш ҳодисаларга кўп марта дуч келганини айтади. Улардан бири ўтган йилнинг 25 декабрь куни “Қамчиқ” довомида юз берган. Таъкидлашчи, “Спарк” русумли автоулов ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, йўл ўртасидаги темир тўсиққа урилган. Натижада ўта оғир ва салон ичидаги 2 нафар йўловчи эса ўрта даражадаги тан жароҳат олишган. Ҳайдовчининг шикастланиши оғир бўлганлиги сабабли кўкрак қафаси эзилиши ҳамда нафас етишмаслиги ташҳиси қўйилди. Тили орқага кетиши ҳолати кузатилган. Шунда Дилшод биринчи навбатда беморни ҳаво билан таъминлаш учун қутқарувчилар билан ҳайдовчини автомашина ичидан махсус гидравлик асбоб-анжомлар билан чиқариб, хавфсиз ҳудудга олиб чиқди ва тил тутқичи билан ёпилиб қолган нафас йўллари очиқ, ҳушига келгунича тилини ушлаб турди. Шу орада оғриқ қолдирувчи ва эпилепсияга қарши дори воситалари қўлланилди. Тез тиббий ёрдам ходимлари келишига қадар ҳодиса жойида тартибсиз ваҳимали жараёнлар бошланди. Дилшод оғир аҳволдаги фуқарони ҳаётини сақлаб қолиш билан банд эди. Айти шу пайтда тез тиббий ёрдам ходимлари келишди. Улар бошқа жабрланганларга ёрдам кўрсатишаётганди.

Дилшоднинг қўлидаги жабрланувчи ўз ўзидан жонсиз ҳолатга тушиб қолди. У фуқаро қўлимда жон берди, деб ўйлаб, қўрқиб кетди ва тиббиёт ходимларини чақирди. Улар беморни зудлик билан тез тиббий ёрдам машинасидаги сунъий нафас олдириш ҳаво баллонига улагач, жабрланувчи ўзига келиб нафас олишни бошлади. Аллоҳга шукрона айтиб, яна бир инсонни ҳа-



ётини ўз вақтида тезкорлик билан тўғри ёрдам кўрсатиш натижасида қутқариб қолганидан кўнгли жойига тушди. Агар шифокорлар бироз нотўғри ҳаракат қилганида ёки ўз вақтида ёрдам кўрсатмаганида балки ўша инсон ҳозир ораимизда бўлмас эди. Бундай вазиятларни тил билан тушунтириб бериш бироз мушкул.

– Одамларга ўз вақтида тўғри ёрдам кўрсатилса, асраб қолиш имконияти юқори бўлади, – дейди суҳбатдошимиз. – Шу сабаб доимо хизмат вақтимда дово ҳудудида турли тусдаги фавқулудда вазиятларда ёки йўл транспорт ҳодисалари содир бўлганда биринчи ўринда инсонлар ҳаётини сақлашга ошиқман. Мен бу касбни танлаганимдан фахрланаман ва шараф билан хизмат қиламан. Денгиз сатҳидан 2200 м баландликда жойлашган бу ҳудудда хизмат қилиш ҳам ҳар кимга эмас. Асосан совуқ ва ёнғингарчиликка бой бўлган бу доводда инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам учраб туради.

Бир инсонга бериладиган мукамал бахтга эришгани учун тақдирдан беҳад миннатдор бўлаётган Дилшод Умурзоқовнинг рафиқаси, 4-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Манзура Умурзоқова билан 3 нафар қиз, 1 нафар ўғил фарзандни вояга етказмоқда. Катта қизи Дилфуза Ангрен шаҳридаги 4-сон умумтаълим мактабининг 6-синфда аъло баҳоларга ўқийди. Ҳозирда чет тилини мукамал ўрганиш билан банд. Ўртанча қизи Зиёдабону эса 2-синфда таҳсил олмоқда. У ҳам ҳозирги кунда араб тилини ўрганмоқда. Кенжа қизи Шукрона ҳали кичкинтой. Ўғли Муҳаммадзиё 2023 йилда туғилган.

Она-юрти ва халқининг тинчлиги, хотиржамлиги йўлида фидойилик билан хизмат қилиб келаётган ҳар бир инсон ҳақида қанча яхши гаплар айтсак, шунча кам. Шундай экан, шарафли касб йўлида фидойилик билан хизмат қилиб келаётган қаҳрамонимизга гоят машаққатли, савобли ва шарафли вазифада бугунгидек куч-қувват, бардамлик тилаб, асло толиқманг, деб қоламиз.

**Анвар ҚОБИЛОВ,**  
“Vaziyat” мухбири.  
**Моҳичеҳра Мингбоева,**  
“Қамчиқ” МҚЁҚБ бўлими  
бошлиғи,  
сержант.





## OITSGA QARSHI

Namangan viloyati FVB hamda shahar, tuman FV bo'limlari shaxsiy tarkibi ishtirokida zoom orqali o'quv mashg'uloti o'tkazildi. Unga viloyat OITSGa qarshi kurashish markazi mutaxassisi Husanjon Mirzayev taklif etildi.

Tadbir davomida xastalik alomatlarini, undan saqlanish bo'yicha ogohlilikni oshirish masalalariga jamoatchilik e'tiborini qaratish juda muhim ekanligi qayd etildi.

Mashg'ulotdan so'ng mavzuga oid savol-javoblar bo'lib o'tdi.

**Qahramon SATTAROV,**  
Namangan viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i.

## BARDAVOM TADBIRLAR

"Hududgazta'minot" AJ, uy-joy mulkdorlari shirkatlari hamda pech-dudburonlarga xizmat ko'rsatishga ixtisoslashgan tashkilotlar mutaxassislari tomonidan turar joylarda o'tkazilgan tekshiruvlar davomida aniqlangan kamchiliklarni joyida bartaraf etish choralari ko'rilmoqda.



Tadbirlar davomida yong'in xavfsizligi qoidalari talablarini targ'ib qilish hamda fuqarolarning bilimlarini oshirish maqsadida qator uchrashuv va yig'ilishlar o'tkazilmoqda.

**S.ZULUNOV**  
Andijon viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i, mayor.  
**Y.MAYUSUPOV**  
Jalaquduq tumani FV bo'limi katta inspektori, katta leytenant.

## MUHIM MAVZUDA



Namangan viloyati FVB xodimlari eshitish va nutqida nuqsoni bo'lgan shaxslar mehnat qilayotgan korxonada bo'lib, surdo-tarjimon orqali fuqarolarga yong'in xavfsizligining asosiy qoidalari to'g'risida tavsiyalar berdilar.

**I.MELIBOYEV,**  
Namangan viloyati FVB axborot xizmati yetakchi mutaxassisi.

## OBJEKTlarda YONG'IN XAVFSIZLIGI



**Binolarning tom qismiga chiqish uchun zina va tashqi yong'inga qarshi narvonlar o'rnatilishi, yerto'ladan to'g'ridan-to'g'ri tashqariga chiqish uchun zinapoyaning mavjud bo'lishi, suv ta'minoti qurilish me'yorlari va qoidalari asosida loyihalashtirish asosiy qoidalar sirasiga kiradi.**

Qurilayotgan har bir bino-inshootlar atrofida yong'in o'chirish avtomobillarining tez va qulay yetib kelishi uchun sharoit yaratish talab etiladi. Boshi berk ko'chalarda esa kerakli ishlarni bajarish uchun 12x12 metr hajmda maydoncha qoldirish kerak.

Qurilish ishlarini loyihalashda yong'inga qarshi me'yor va ta-

lablar inobatga olinsa, kelgusida noxush holatlar sodir bo'lishining oldi olingan bo'ladi.

**F.SAYDULLAYEV,**  
Prezident  
Administratsiyasi  
YOXTTEB 2-bo'linmasi  
kichik inspektori,  
katta serjant.



## MASHQ

Namangan viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi tomonidan Davlatobod tumanida joylashgan "NBU" Milliy bank binosida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida amaliy-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Ushbu mashqning birinchi bosqichida yuqoriy qavatda ishchi-xizmatchi va bank mijozlarini kechiktirib bo'lmaydigan holatlarda qutqaruv ishlari tashkil etildi, ikkinchi bosqichda esa shartli ravishda sodir bo'lgan yong'in vaqtda harakatlanish va sodir bo'lgan yong'inni bartaraf etish tadbirlari amalda ko'rsatib berildi.

**Abdunazar SOYIBNAZAROV,**  
Namangan viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.



## MUAMMOLAR HAL ETILMOQDA

Qashqadaryo viloyat FVB boshlig'i polkovnik F.Mirzayev o'ziga birlashtirilgan yoshlar bilan muntazam ravishda uchrashuvlar o'tkazib, ularning muammolarini hal etib kelmoqda.

Xususan, Yangi yil bayrami arafasida mas'ullar ishtirokida Qamashi tumani "Mang'it" mahallasida istiqomat qiladigan qizil toifaga kiritilgan ayrim yoshlarning holidan xabar olindi.

Uchrashuv jarayonida ularning qobiliyati va qiziqishlaridan kelib chiqqan holda tikuv mashinasi, payvandlash apparati, kompyuter jamlanmasi (noutbook, printer) sovg'a qilindi.

FVV axborot xizmati.

## TILSIZ YOV

Gugurt va alanganuvchi moddalarni yosh bolalardan uzoqda hamda ko'rinmaydigan joylarda saqlang. Bolalarning gaz moslamalaridan foydalanishiga ruxsat bermang, yosh bolalarni uyda yolg'iz qoldirmang.

Xonadoningiz atrofida yong'in o'chirish avtomobillarining o'tishi uchun qulaylik yarating, yo'laklarni turli to'siqlar bilan to'sib qo'ymang.

Unutmang, yong'inni bartaraf etgandan ko'ra, uning oldini olgan afzal. Bu bilan siz o'zingiz, yaqinlaringiz, shuningdek, mol-mulkingizni yong'in deb atalgan dahshatli balodan saqlab qolgan bo'lasiz.

**J.URMASHYEV,**  
"VOSTOK" DIICHB DUK  
YOXTTEB mutaxassisi, katta serjant.



yong'in xavfsizligi qoidalari talablarini targ'ib qilish hamda bu borada ishchi-xodimlar bilim-ko'nikmalarini oshirish maqsadida qator uchrashuv va yig'ilishlar o'tkazildi.

Aholiga isitish pechlari va gaz moslamalaridan foydalanish qoidalari tushuntirilib, is gazidan zaharlanish va boshqa noxush holatlarning oldini olishga qaratilgan 3 turdagi eslatma, yo'riqnoma va plakatlar tarqatildi.

**Z.ERALIYEV,**  
Yangiqo'rg'on tumani FV bo'limi kichik inspektori, katta serjant.

## TARG'IBOT

Yangiqo'rg'on tumani FV bo'limi tomonidan iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy soha obyektlari, davolash maskanlarida yong'in xavfsizligini ta'minlash holati o'rganildi.

Tekshiruvlar davomida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish choralari ko'rib, shu kunga qadar



**ДИҚҚАТ,  
ОБУНА!**

Хурматли муштарийлар!  
2024 йил учун «Вазият» газетасига  
ҳамда «Муҳофаза+»  
журналига обуна бошланди.

**Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун:**  
«Вазият» газетаси — 382 «Муҳофаза+» — 1066

ФВВ Бирлашган таҳририяти



# Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти – 15.00  
Топширилди – 15.00

**НАВБАТЧИ:**  
**А.ҚОБИЛОВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди  
ва изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган материаллар  
манбаси кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-сон рақам  
билан рўйхатга олинган  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
**Тел.:** (71) 231-96-71  
**Телеграмм:** (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкилотлар учун – 382

Газета "BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т.  
Адади – 6000 нусха

## ТЎТИЛАР ҚАЕРДАН КЕЛГАН?

Тўтилар мавжуд қушларнинг энг қадимий турларидан бири ҳисобланади. Улар Жанубий Осиёда, Шимолий Африкада, Австралия ва Малайя оролларида кенг тарқалган. Тўтилар анча саботли қуш ва узоқ яшайди. Ҳар қандай шароитга тез мослашади. Мана шу сабабдан денгизчилар уларни ўзларига ҳамроҳ қилиб олганлар. Бу қушларнинг туси ёрқин ва аломатли, агар уларнинг гапира оладигани бўлса, атрофдагиларнинг анчагина вақтини хушлайди.

Тўти гарчи тропик қуш саналсада, тутқунликда ҳам, совуқ об-ҳавода ҳам ўзини жуда яхши ҳис этади. Тўтилар ўз ватанларида гала-гала бўлиб, ўрмонларда яшайди. Хавф туғилган пайтлар улар дарров бирлашиб, хавфни барта-раф этишга киришади. Маймунлар каби шохдан-шоҳга кўниб, овқат излайди. Шохдан-шоҳга сакраётганда улар тумшуклари ва оёқларидан ҳам фойдаланади. Танлаган овқатини тирноқларида чангаллаб, иштаха билан ейди.

Ўз уяларини дарахтлар қавагига кўяди. Тухуми оқ бўлади. Ота-оналари полапонларига жуда ғамхўр бўлади ва овқат топиш илинжида жуда узоқларга сайрга чиқади. Тўтилар юришни хоҳламайди, аммо улар жуда яхши сакрайди ва учади. Энг қобилиятли "гапирувчи" тўти – Африка кулранг тўтисидир, бунинг устига у энг ақлли қушлардан ҳисобланади.

Айримлар тўтининг тили узунлиги ва қалинлиги ҳамда унинг ўзига хос тузилиши туфайли гапира олади, деб ҳисоблайдилар. Балки, тилининг айнан шундайлиги унинг гапиришига имкон берар, аммо булар гапириш учун мажбурий шароитлар эмас. Бошқа гапирадиган қушлар масалан, тропик чуғурчуқ-майна, қарғалар уникадай қалин ва катта тилга эга эмас. Қирғийлар ва лочинларнинг эса тили уникага ўхшайди, аммо гапира олмайди.

Балки унинг гапиришига бошқа қушлардан кўра "ҳиссий" қобилияти юксаклиги сабабчидир? Бизнингча, бу ҳам унинг гапиришига сабаб бўла олмайди. Айтганча, кўп биологлар тўтилар ва бошқа гапира оладиган қушлар ўзлари айтган сўзнинг фарқини билмайдилар, муайян ифодалар ва ҳаракатлар ўртасидаги алоқаларни фаҳм этадилар, деб ҳисоблайдилар.

Тўтиларнинг гапиришига уларнинг эшитиш ва овоз механизмлари бошқа қушларникидан кўра секинроқ ишлаётгани сабабчидир. Одамнинг товуши табиат тўтиларга берган овозга ўхшашлиги ва бу унинг одам товушини ўхшата олишига имкон бериши ҳам мумкин.

### ТЎТИ ВА КАККУ ЎРТАСИДА ҚАНДАЙ ЎХШАШЛИК БОР?

Ер шарининг айрим жойларида, масалан, Австралия, Африка, Жанубий Америка ёки Жанубий Осиёда тўтилар жуда сероб. Уларнинг ранги ва катталиги турлича, кулранг ва кўримсизлари бўлади, аммо улар кўпинча равшан ажралиб турувчи рангдор патлари билан чиройли кўринади. Уларнинг айримлари шу қадар кучли хотирага эгаки, айрим сўз ва жумлаларни такрорлаш қобилиятига эгадирлар. Тўтилар ўсимлик меваларини еб кун кўрадилар ва гала-гала бўлиб, маҳаллий одамларнинг боғ ва полизларига учиб келиб, хонавайрон этади. Шунинг учун ҳам одамлар тўтиларни жуда хавфли деб ҳисоблайдилар ва уларни ов қиладилар.

Тўтилардан фарқли ўлароқ каккулар жуда фойдалидир. Улар зарарли ҳашаротларга қирон қелтиради, ҳатто бошқа қушлар емайдиган капалак қуртларини ҳам ейди. Каккуларнинг овқатхўрлигини эътиборга олиб, улар одамларга қанчалик фойда келтиришини тасаввур этаверинг. Каккулар ҳатто ўрмонларнинг катта қисмини хавфли зараркунандалардан сақлаб қолади. Аммо бошқа қушлар каккулардан зулм кўради. Гап шундаки, каккулар ўз тухумини бошқа қушлар уясига кўяди ва улар какку тухумини босади. Какку полапонлари ўсиб бораркан, улар бошқа полапонларни ўз уяларидан қувиб чиқаради. Тўтилар каккулардан фарқли ўлароқ полапонларини ўзлари очиб, полапонлар темирқанот бўлгунича боқади. Маълум бўлишича, тўтининг ҳам, каккунинг ҳам оёқ панжалари бир хил ўрнашган.

### КАККУ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Европа каккусининг патлари кулранг бўлиб, паст томонига йўл-йўл тарамлар ўтган. Ёз ичида каккулар ҳашаротларнинг катта бир кўшинини яксон этади. Какку ўз номини сайроғи туфайли олган. Каккуларнинг ўрмонларда ку-кулашини кўплар эшитган бўлса, ажаб эмас. Ва шу заҳоти



неча марта ку-кулаганини санашга тушганмиз, каккулар қанча сайраса, одам шунча йил яшайди, деган гап юради.

Европа каккулари уя қурмайди. Улар ўз тухумини бошқа қушлар, масалан, сайроғи қушлар ва чумчуқлар уясига кўяди. Макиёнлари тухум кўйгач, уни диққат билан кузатади. Қушлар овқат излаб чиқиб кетганда, какку тухумлардан бирини олиб, ўрнига ўз тухумини кўяди ва кўздан ғойиб бўлади. Бўлғуси ўғай ота-оналар қайтиб келгач, тухумлар ўрни алмашганини билишмайди. Ахир, тухумлар катталиги ҳам, ранги ҳам бир хил-да! Шунинг учун ҳам каккуларнинг мазкур тури тухумини маълум бир қушлар уясига кўяди. Каккулар тахминан икки ҳафта ўтиб, тухумни ёриб чиқади. Бир қанча вақтдан сўнг бирин-кетин уядан бошқа тухумларни ёки ундан олдин кўз очган полапонларни ҳам чиқариб ташлайди. У мана шу тариқа ўзига овқат топади, у ниҳоятда очкўз қуш, устига-устак ўғай ота-оналаридан икки-уч марта катта келади.

Қушларнинг оналик ҳисси шу қадар кучлики, ўғай ота-оналар каккулар ҳақида қаттиқ ғамхўрлик қилади ва уни то учишни ўрганиб, уяни тарк этмагунча овқатлантиради.

Анвар ҚОБИЛОВ тайёрлади.